

2021 йил – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2021 йил 22 январь • № 3 (1335)

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛСА, УНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ МАЪНАВИЯТДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда бу борада қатор қарорлар қабул қилинди. Республика маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент экани белгилаб қўйилди. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

– Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, – деди **Шавкат Мирзиёев йиғилишда**. – Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Бирин-

чиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждоқларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият.

Яқинда бўлиб ўтган йирик тадбирлар – давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида маънавият йўналишидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Чунки бу борада ечимини кутиб турган, ўзгаришлар шамоли кириб бормаган масалалар кўп. Миллий ғоянинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафқурани тасаввур қилиб, бунга юзаки қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис Президент мамлакатимиз мафқурасининг асосий ғоясини таъкидлаб ўтди:

– Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, мил-

лий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган, – деди **давлатимиз раҳбари**.

Маълумки, бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага энгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўللار билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти.

Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда. Бундай таҳликали вазиятда хушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб яшаш зарур.

Давлатимиз раҳбари лоқайд-



лик ва бепарволик энг катта хавф эканини, бугун учраётган ижтимоий муаммоларни камайитириш учун нурунийлар тарбияси, жамоатчилик назорати етишмаётганини таъкидлади. Йиғилишда қайд этилганидек, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам кутилган натижани бермаяпти. Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиб, фаолиятини тубдан тако-

лик ва бепарволик энг катта хавф эканини, бугун учраётган ижтимоий муаммоларни камайитириш учун нурунийлар тарбияси, жамоатчилик назорати етишмаётганини таъкидлади. Йиғилишда қайд этилганидек, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам кутилган натижани бермаяпти. Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиб, фаолиятини тубдан тако-

миллаштириш зарурлиги айтилди. Президентимиз ушбу марказнинг “Маънавият тарғиботчиси” ўқув муассасаси негизда Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш таклифини билдирди.

Йиғилишда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари белгиланди. Маълумки, ҳозирги пайтда маънавият тарғиботи билан ўнлаб ташкилотлар шуғулланади. Лекин, уларнинг

(Давоми 2-бетда).

Хуғудий соғлиқни сақлаш бошқармалари фаолиятдан



Андижон вилояти

● Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жараёнда урология бўлими ҳам таъмирланиб, эндоурологик операциялар учун замонавий заллар қурилди. Шунингдек, бўлим 6 турдаги жами 8 миллиард 171,6 миллион сўмлик замонавий текширув ва операцион ускуналар билан жиҳозланди.

Андижон давлат тиббиёт институти ва Германиянинг GIZ Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти орасида тузилган шартнома асосида Германия-Ўзбекистон ҳамкорлигидаги “Урология ўқув маркази” ташкил этилди. Марказда ўқув жараёнига етакчи хорижий мутахассисларни жалб қилиш орқали маҳорат дарслари, тренинглари, семинарлар ташкил этиш, мастер-класслар ўтказиш ва эндоурология бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

● Пахтабод туманининг Терактаги маҳалласи ҳудудига жойлашган, 5 та МФЙда истиқомат қилувчи 12 минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган 52-оилавий поликлиниканинг очилиш маросими бўлиб ўтди. 2 млрд. 700 минг сўм маблағ эвазига реконструкция қилинган масканда 56 нафар ходимлар фаолият олиб борадилар. Оилавий поликлиникага хизмат учун тез тиббий ёрдам машинаси ажратилди. Очилиш маросимида Пахтабод туман ҳокими М. Бозоров, Пахтабод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Н. Муҳитдинов, нурунийлар, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

● Балиқчи туман Тумор оилавий шифокор пунктида «Бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятида янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш» мазвусида амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Балиқчи туманининг Авесто,

Кўл, Эски Марказ маҳаллаларида олиб борилаётган тиббий хизмат сифати ўрганилди, аҳоли саломатлигининг кўрсаткичларини қайд этиш ва тиббий хатловни олиб бориш, вилоят ҳокимининг «Бир оилада бир кун- оила аъзоларининг барчаларини саломатлигини ўрганиш» ташаббусини ташкил этиш жараёнлари муҳокама қилинди, оила шифокорлари ва оила ҳамшираларининг фаолияти ҳақидаги фикрлари тингланди.

Тошкент вилояти

● Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази профессори Наргиза Зокирова ва марказнинг Тошкент вилояти филиали бош шифокори Абдулла Абдуҳакимов бошчилигидаги бир гуруҳ малакали шифокорлар томонидан Бекобод туманининг олис ҳудуди бўлмиш Навбахор маҳалласи аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқда тиббий марказ ва унинг вилоят филиалининг малакали мутахассислари ва Бекобод тумани тиббиёт бирлашмаси шифокорлари иштирок этди. Кун давомида 747 нафар фуқаро шифокорлар кўригидан ўтишди. Шуларнинг 81 нафарига республика тиббиёт марказлари ва вилоят филиалида давланиш учун йўлланмалар берилди.

Сирдарё вилояти

● Республикада Давлат тиббий су-

гурта жамғармаси ташкил этилди. У дастлабки иш фаолиятини Сирдарёдан бошлади. Сирдарё вилоят ҳокими ушбу янги бўлим учун Гулистон шаҳар ҳокимлиги биносидан махсус хона ажратиб берди. Шунга биноан соҳа ходимлари давлат тиббий суғурта тизимини вилоятда татбиқ этиш ишларига киритди.

Наманган вилояти

● Наманган вилоятида “Аёллар фестивали” доирасида Наманган шаҳридаги саккизта мактаб спорт залида тиббий кўриқлар ташкилланди. Ўнлаб акушер-гинеколог, хирург, эндокринолог, кардиолог, невропатолог, окулист, онколог, ревматолог, гематологлар юзлаб фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг беш нафар юқори малакали тиббиётчилари ҳам тиббий кўриқлар самарадорлигини оширишга баҳоли қудрат ўз хиссаларини қўшди.

Фарғона вилояти

● Қорақалпоғистон республикасининг Беруний туманидан бир гуруҳ тиббиёт ходимлари Фарғона вилояти перинатал марказига тажриба ўрганиш учун келдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий вилоят бошқармалари Ахборот хизмати.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛСА, УНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ МАЪНАВИЯТДИР

фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаётгани, ягона тизимга бирлашмагани сабабли бир-бирини такрорлаш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланди. Марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминоти кескин кучайтирилади. Унинг фаолияти илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида қайта ташкил қилинади. Тарбияда таъриф ва бўлмайди, дейди халқимиз. Лекин, маънавий-маърифий ишлардаги узвийлик ҳозирча бундай эмас. Бу борада боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла – ҳар бири алоҳида иш олиб борапти. Шу боис маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, хусусан, ўқил-қизларни болалигиданоқ билимли ва фазилатли этиб тарбиялаш, бунинг учун мактабгача таълим муассасаларига

(Давоми. Боши
1-бетда).

методик ёрдам кўрсатиш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Барча олийгоҳ ва уларнинг филиалларида мавжуд штат бирликлари доирасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилиши айтилди. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилиши маълум қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳар нурунийларининг тарбияси оғир, ишсиз ёшларга кўмаклашиш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланди. Худудлар марказида намунавий лойиҳа асосида маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан соҳага қўшимча штатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди. Тошкент шаҳридаги “Галаба боғи” мажмуасини халқимиз, айниқса, ёшлар учун

ҳарбий тарих ва аждодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантириш таклифи билдирилди. Ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

– Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини кучайтириш, юртимизда ва хоризда уни ўрганиш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан кўрсатма берилди. Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари” мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Афсуски, атрофимиздаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур

тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Бундай вазиятда жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу маънода, Маънавият ва маърифат, “Тараққиёт стратегияси”, Ислоҳ цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий “ақл марказлари”га айланиши кераклиги таъкидланди. Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт ва китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида “Ижод” жамоат фонди негизида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилиши қайд этилди. Бу жамғармага 120 миллиард сўм ажратилиб, маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини самарали амалга ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш учун сарфланади. Бу маблағнинг 90 миллиард сўми худудларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга, 20 миллиард сўми Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 10

миллиард сўми мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил қилишга йўналтирилади. Шу йилдан бошлаб, маънавият ва маърифат соҳаси ихтисосликларини фанлар классификаторига киритиш, бу йўналиш бўйича етук кадрлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди. Китобхонлик маданиятини кенгайтириш, кино санъатини изчил ривожлантириш, барча телеканаллар қошидаги бадий кенгашлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, теледастурларнинг савиясини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

– Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир, – деди Президент.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар бўйича соҳа мутасаддилари, ўқитувчи ва профессорлар, вазирлар, вилоят ҳокимлари фикр билдирди.

ЎЗА.

Бугуннинг мавзуси

ВАКЦИНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛЛАШТИРИЛМОҚДА?

Ҳозирда Ўзбекистонга қайси вакциналар келтирилган? Улардан фойдаланиш жараёнлари қандай кетмоқда? Уларнинг яроқлилиги, хавфсизлиги ва сифати юзасидан лаборатор текширишларнинг бориши ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Баҳодир Юсупалиев қуйидагиларни гапириб берди:

– Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Россия Федерациянинг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси билан “Sputnik V” вакцинаси бўйича мунтазам мулоқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жамғарманинг масъул ходимлари ушбу масалада Ўзбекистонга ташриф буюриб, 100 доза вакцинасини олиб келишди. Ушбу вакцина – 20°C ҳароратда сақланишни талаб этади. Вакцина 3 мл флаконда 5 дозадан қадоқланган бўлиб, бир нафар фуқарога 0,5 мл миқдорида эмлаш тавсия этилган. Бугунги кунда ушбу вакцинанинг Россия Федерациясида 12 минг нафар кўнгиллида ўтказилган 3-клиник синов босқичлари натижалари бўйича маълумотлар маҳаллий мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Шунингдек, 25 минг нафар кўнгиллида ўтказилган синовлар натижалари тўғрисида маълумотлар Россия Федерацияси томонидан тақдим этилиши кутилмоқда. “Sputnik V” вакцинасини юртимизга олиб келиниши, рўйхатдан ўтказилиши, эмлаш жараёнига тайёргарлик кўриш, тиббиёт ходимларни ўқитиш, вакцинацияни бошлаш тадбирларини ўз ичига қамраб олган йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳамкорликда амалга оширилишини инобатга олган ҳолда имзолаш учун Россия Федерациясига юборилган.

Ҳозирда ушбу вакцинанинг яроқлилиги, хавфсизлиги ва сифати юзасидан лаборатор текширишларини ўтказиш мақсадида Россия Федерациясининг ишлаб чиқарувчиларидан махсус текширув тестлари ва реагентлар сўралган. Ушбу реагентлар ва тестлар келгандан сўнг, қисқа муддат ичида текширувлар ўтказилиб, вакцина яроқлилиги ва



хавфсизлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этилади ва уни республикамизда ишлатиш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилинади. Бир вақтнинг ўзида “Sputnik V” вакцинасини тезкор сертификациялаш масаласи устида ишланмоқда ва Ўзбекистонда вакцина ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам музокаралар олиб борилмоқда. Хитойнинг “Auyi Zhifei Longcom Biopharmaceutical” компа-

нияси томонидан ишлаб чиқилган янги коронавирус рекомбинант вакцинасини хавфсизлиги ва «COVID-19» инфекциясини олдини олишдаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида 5000 нафар кўнгиллилар орасида 3-босқич клиник тадқиқотлари ўтказилмоқда.

Юртимизга 8 нафар хитойлик мутахассис ташриф буюришган ва айни пайтда 3133 нафар кўнгиллида вакцинациянинг клиник синовлари амалга оширилган, ноҳўя таъсирлар кузатилмаган. Иммунизация тадбирларини олиб бориш мақсадида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қошида юқори малакали мутахассислардан иборат штаб



бўйича глобал альянс”) ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси COVAX (Коронавирус инфекциясига қарши эмлаш механизми)га аъзо давлатлар қаторига киритилганлиги маълум қилинган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳамкор ташкилотлар томонидан “COVID-19”га қарши вакцина амалиётга киритиш учун мамлакатимиз аҳолисининг 20 фоизи миқдорида буюртма тайёрланиб, COVAX фондига юборилди. Ҳозирда GAVI ташкилоти билан ҳамкорликда Американин Pfizer ва Германиянинг BioNTech компанияси томонидан ишлаб чиқарилган коронавирусга қарши Comirnaty вакцинасини Ўзбекистонга 100 минг доза миқдорида олиб келиниши бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Pfizer/Biotech вакцинасини юқори совуқлик занжирига жиддий риоя этган ҳолда – 70°C ҳароратда сақлаш талаб этилади. Юртимизда –70°C ҳароратни сақлайдиган музлатгичлар мавжуд ва ҳозирги кунда коронавирусга қарши эмлаш жараё-

нини пухта режалаштириш ва тиббиёт ходимларини махсус хавфсиз иммунизация шартлари бўйича тайёргарликдан ўтказиш, айниқса, вакцинадор, реаниматологлар ва бошқа тиббиёт ходимларини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда 2-8°C ҳароратга мўлжалланган совуқлик занжирини инфратузилмаси мавжуд бўлиб, бу тизим ЖССТнинг барча талабларига жавоб беради ва хавфсиз эмлаш амалиётини кафолатлайди. Эмлаш жараёнига тайёргарлик кўриш мақсадида GAVI ташкилоти томонидан 17 та катта хажмдаги рефрижераторлар ва 206 та юк ташувчи минивен автотранспорт воситалари тақдим этилиб, юртимизнинг ҳар бир ҳудуди ва туманига етказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг
Жамоатчилик билан
алоқалар бўлими.**

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари ҳудудларда

ФИКР, ТАКЛИФ ВА МУАММО ИНОБАТГА ОЛИНДИ



Аввал хабар берганимиздек, Соғлиқни сақлаш вазири раҳбар ходимларининг ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадидаги хизмат сафарлари давом этмоқда. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятв Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Вазирнинг биринчи ўринбосари 15 январь куни Вобкент туманида бўлди.

Вобкент туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 14-оилавий поликлиникага ташриф буюриб, бу ердаги тиббиёт ходимлари томонидан аҳоли орасида ўтказилган хатловнинг ҳолислиги, ҳар бир хонадонда ўтказилганлиги ўрганиб чиқилди. Анжирбоб МФЙга қарашли Махсумлар қишлоғидаги ўнга яқин яшаш уйларига борган вазирнинг биринчи ўринбосари ушбу хонадонларнинг ҳар бир вакили билан мулоқот қилди. Уларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларини инобатга олди.

А. Иноятв 16 январь куни Пешкў туманига ташриф буюрди. Бу ерда вилоят ва туман мутасаддилари Пешкў туманидан 180 км олисда жойлашган Жон-

гелди МФЙ да бўлишиб, у ерда яшовчи қардош қозоқ миллатига мансуб аҳоли вакиллари билан учрашдилар. Одамларнинг дарду ташвишлари, уларни қийнаётган муаммоларни ўргандилар. Таклифлар ўртага ташланди. Бу фикрларнинг ҳар бири эътиборга олиниши таъкидлаб ўтилди.

Вазирлик вакили 18 январь куни Жонгелди овулидаги қишлоқ шифохонасига, шу ердаги мактабга ва турли касалликлар бўйича ҳисобда турувчи беморлар хонадонларига ташриф буюрди. Ўқитувчилар билан бўлган мулоқот жараёнида уларнинг фикрлари, таклифлари ҳамда муаммолари билан ҳам қизикди. Устозлар томонидан йилида бир мартаба уларни санаторийларга юбориш масаласи ўртага ташланди. Вазирлик масъуллари томо-

нидан бу таклиф маъқулланди. Аҳоли билан суҳбат даврида вазир ўринбосари томонидан саломатликни тиклаш учун бир нечта фуқароларга санаторияларга йўлланма тақдим этилди, хонадонлардан бирида тиббиёт ходимининг ишга жойлашиш бўйича мурожаати қаноатлантирилди, шунингдек, фуқароларнинг соғлиқ ва ижтимоий масалалари бўйича илтимослари ба-жарилди.

Халқимизнинг тиббий хизмат сифатидан рози қилиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган энг устувор вазифалар юзасидан шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари мутасадди ходимларига кўрсатма ва тавсиялар ҳам берилди.

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.

Самарқанд вилояти

МАСЪУЛИЯТ ВА НАЗОРАТ ФАОЛИЯТ УЙЎНЛИГИДИР

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхнова Самарқанд вилоятида аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Жойларда тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш жорий йилдаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борадаги устувор йўналишлар белгилаб берилди. Жумладан, тиббиётнинг бирламчи бўлинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз раислигида 2020 йил 6 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борада мутасадди-

ларга зарур вазифалар топширилган. Шундан келиб чиқиб, бутун республика бўйича олиб борилаётган ишларни мониторинг қилиш, ҳудудий ижро вакилларига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирининг барча ўринбосарлари ҳудудларига бириктирилди. Жумладан, Э. Боситхнова Самарқанд вилоятига бириктирилган.

– Ўрганишлар давомида бирламчи тизимда олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратяпмиз – деди Э. Боситхнова. – Бугунги кунда аҳолини хатловдан ўтказиш бўйича белгиланган ишлар давом этмоқда.

Хатлов жараёнларини амалга оширишдаги энг муҳим жиҳатларни ҳудудий вакиллarga тушунтирдик. Бу борадаги ишлар тизимли равишда давом этмоқда. Вазир ўринбосари бирламчи бўлиндаги ишларнинг боришини Самарқанд шаҳридаги 4-оилавий поликлиника фаолияти билан танишишдан бошлади. Полиликникада аҳолини хатловдан ўтказиш бўйича ташкил қилинган бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш штаби ишини кузатиш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар мутасаддиларга тушунтирилди.

– Полиликникамиз ҳудуддаги 25 та маҳалланинг 48 мингга

яқин аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади, – деди 4-оилавий поликлиника бош врач Тўлқин Сувонов. – Бугунга келиб муассамизда умумий амалиёт шифокорлари ўрнида оилавий шифокорлар фаолияти йўлга қўйилди ва ҳар бир маҳаллага бир нафардан оилавий шифокор ҳамда икки нафардан ҳамшира бириктирилди.

Яқин кунларда ҳамширалар сони яна уч нафарга ошади. Айни пайтда аҳолини хатловдан ўтказиш жараёни давом этмоқда. Бунда аҳоли тўрт гуруҳга ажратилмоқда. Биринчиси, соғлом гуруҳ, иккинчиси хавф гуруҳи, учинчиси диспансер назоратида турган гуруҳ, тўртинчиси доимий равишда назоратга олинган гуруҳ ҳисобланади. Бугунги кунгача 78

фоиз аҳоли хатловдан ўтказилди. Хатлов жараёнида аҳоли ўртасида ортиқча вазн, гипертония, нотўғри овқатланиш оқибатидаги ошқозон-ичак касалликлари кўплиги аниқланди. Бу аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш лозимлигини талаб этади.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Каттақўрғон шаҳри ва Иштихон туманларида ҳам бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати билан танишди. Хизмат сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича зарур тавсиялар берди.

Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.

Қорақалпоғистон Республикаси

МУТАХАССИСЛАРГА УСЛУБИЙ ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Аввал ҳам хабар берганимиздек, сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, ҳудудларда фаолият олиб бораётган шифокорларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида республика ихтисослаштирилган марказлар мутахассисларининг вилоятларга ташрифлари ташкиллаштирилмоқда.

Жумладан, Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергия марказидан пульмонолог-аллерголог шифокор Ғайрат Қўзиёв У.Холмуродов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг пульмонология ва аллергия бўлимида бўлди. Мутахассис бу ерда маҳаллий шифокорлар билан биргаликда беморларни тиббий кўрикдан ўтказди ва уларни даволашда муҳим тавсияларини бериб ўтди. Пульмонология ва аллергия бўлимининг муҳим масалалари тўғрисида суҳбат олиб борилиб, келажакда тажриба алмашиш ва кадрларнинг билим-кўникмаларини ошириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, маҳаллий вазиятни ва ҳудуднинг касалликлар бўйича хусусиятларидан келиб чиқиб, У.Холмуродов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг Пульмонология ва аллергия бўлими қошида Республика илмий-ихтисос-

лаштирилган аллергия марказининг минтақавий филиалини очиш, уни капитал-таъмирлаш, малакали мутахассислар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказидан профессор Мирвасит Каримов, терапевт Амина Файзуллаева ва пульмонолог Элина Исмаилова эса У.Холмуродов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказига бориб, беморларнинг ҳолати, уларга яратилган шароитлар ва муолажалар билан танишди, мавжуд камчиликларни ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг, Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифохонасида терапевтик, пульмонологик, ички касалликлар билан оғриган оғир аҳволдаги, малакали мутахассислар кўригига муҳтож бўлган беморлар кўрикдан ўтказилди. Уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари, мутахассислар томонидан шифокорларга “Юрак ише-

мик касаллиги, уни диагноз қилиш ва даволашнинг замонавий усуллари”, “Бронхиал астмани даволашда янги даво усуллари” мавзуларида мастер-класс ва мулоқотлар ташкиллаштирилди. Шунингдек, профессор М. Каримов маҳаллий шифокорларга “Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги: муаммонинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси учун долзарблиги” мавзусида семинар ўтди ҳамда келажакда кадрларнинг билим ва кўникмаларини янада ошириш бўйича ҳамкорлик дастурлари белгилаб олинди. Бундан ташқари, марказ мутахассислари маҳаллаларга ҳам чиқиб, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш бўйича тарғибот ишларини олиб борди. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари Мақсудбек Мадаминов ва олий тоифали шифокор Салоҳиддин Тошпўлатов Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлар шифохонаси билан танишди. Шундан сўнг маҳаллий шифокорлар билан биргаликда Нукус шаҳри ва Беруний туманидаги шифохоналар ва поликлиникаларга бориб, юқумли касалликлар бўлимида даво-



ланаётган ва олис ҳудудларда яшайдиган, айниқса чорвачилик билан шугулланадиган, бруцеллез касаллигига чалинган катта ёшли беморлар кўриқдан ўтказилиб, уларни даволаш бўйича тавсиялар берилди. Бундан ташқари, мутахассислар Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори Ж. Жанибеков билан бирга туман тиббиёт бирлашмалари бош инфекционистларига семинар ташкиллаштириб, ҳозирда долзарб юқумли касалликлар эпидемиологияси, диагностикаси, даволаш ва профилактикаси бўйича маълумотлар билан

ўртоқлашди. Аҳоли оғир ва ташхис қўйишга қийинчилик туғдирадиган беморларга телемедицинани йўлга қўйган ҳолда он-лайн маслаҳатлар бериш бўйича тавсиялар берилди. Шунингдек, пойтахтдаги ушбу ихтисослаштирилган марказда юқумли касалликлар бўйича мутахассислар учун ўқув курслари ташкиллаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ахборот хизмати.

Мулоҳаза мушоҳадага чорлайди

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ГИЁХВАНД МОДДА ОММАВИЙ
РАВИШДА, ҚОНУНИЙ ТАРҚАТИЛМОҚДА...

Олий Мажлис депутатлари эса нима учундир буни сезишмаяпти

Тошкент шаҳар ИИБ маълумотида кўра, мактабда рейдлар ўтказилганда ўқувчиларнинг чўнтакларига «UzBAT» МЧЖ қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «LYFT» маркали Ҳиндистонда тайёрланган «COOL LIP» никотинли «снюс»лар топилган. Бунда ўқитувчилар баъзи бир ўқувчиларнинг дарсида ўзини галати туттиларини: бепарқлик, ўзлаштириши пастлигини қайд этидилар. Кейинчалик бундай хулқ-атвор бу ўқувчиларнинг никотинли «снюс» истеъмол қилиши билан боғлиқлиги аниқланган.

Упа, ширинлик шаклида, ёқимли ҳид ва таъм берадиган ваниль, шоколад, ментол таъмли никотинли маҳсулотлар (никотинли «снюс») бугун ёшлар орасида оммалашиб бормоқда.

Афсуски, ҳозир тамаки маҳсулотининг бу янги кўринишига қарши курашишда қонунчиликимиз ожизлик қилади. Бу никотинли маҳсулотларнинг реклама ва акцияларига ҳам аслида чекловлар бўлиши керак. Лекин, дўконларда уларни ёрқин тарзда, кўринарли ерга жойлаштирилганига гувоҳ бўламиз. Ёшлар кўп борадиган чакана савдо дўконларида тамакили ва никотинли маҳсулотларни реклама қилиш ва сотувларини рағбатлантириш, маҳсулотни ширинликлар, қандолат маҳсулотлари ва салқин ичимликларга яқин жойлаштириш, ижтимоий тармоқларда машҳур шахслар ва етакчилар томонидан реклама қилиниши, ўйинлар ва танловлар ўтказилиши – буларнинг барчаси тамаки ишлаб чиқарувчиларнинг савдога ёшларни жалб қилишга қаратилган айёрона маркетинг усуллари. Бу усуллари биздаги мавжуд қонунлар чеклай оладими?

Хўш, никотинли «СНЮС»НИНГ ЎЗИ НИМА?

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тамакига қарши курашиш бўйича бош консултант Шухрат Шукуровнинг маълумот беришича, никотинли «снюс», бу – ёшлар учун янги гиёҳванд модда.

«Ишлаб чиқарувчиларнинг

маълумотларига кўра, никотинли «снюс» никотин ва целлюлоза аралашмаси асосида, стабилизаторлар, таъмни ширин қилувчилар, ароматизаторлар, консервантлар ва бошқа қўшимчаларни қўшган ҳолда тайёрланади. Истеъмолчилар (айниқса ўсмирлар), агар ушбу аралашмалар таркибида тамаки бўлмаса, унинг зарари ҳам йўқ, шунингдек, улар чекишни ташлаётганда никотинга қарамликни енгишда ёрдам беради, деб ҳам ҳисоблайдилар. Аммо бундай эмас! Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, организмга ушбу моддаларнинг таъсири унинг таркибидаги кучли наркотик таъсирга эга бўлган ва ўзига қарамликни келтириб чиқарадиган никотин билан боғлиқ. Бу хавфни героин, кокаинга қарамлик ривожланиши хавфига тенглаштириш мумкин, у алкоголь ва каннабис хавфидан юқори», дейди Шухрат Шукуров.

Мутахассиснинг айтишича, никотинли «снюс» истеъмолчилари каттагина бир марталиқ никотин дозасини оладилар. «Снюс»ни шимиш сеанси 5 дақиқадан 1,5 соатгача давом этади. Битта кучли сигаретни чекишда никотин «порция»си 1,0 мг.дан ошмайди, чекиш вақти ҳам 3-5 дақиқадан кўп эмас, никотинли «снюс»ни истеъмол қилганда эса битта маҳсулотда никотин миқдори 20 мг.гача этади. Уни истеъмол қилиш усулида қонда никотин миқдорининг давомли ва бир текис тақсимланиши назарда тутилиши боис, никотин дозаларининг ўзлаштирилиши даражаси ҳам юқорироқ. Никотин маҳсулотлари таркибидаги ифорили

қўшимчалар (ялпиз, ваниль, шоколад, тропик таъмлар) ҳамда чиройли ишланган шакл (замонавий дизайн), шунингдек, ҳид йўқлиги ёшларни уларни истеъмол қилишга рағбатлантиради. Ўсмирлик даври мия ривожланиши учун критик давр ҳисобланади, мияга никотин таъсири эса кучли қарамликка, хотира, билим олиш қобилиятининг пасайишига ва таҳликали неврозларга олиб келади. Бундан ташқари, никотин ҳомиладорликда ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, юрак-томир касалликлари юзага келишига олиб келиши, ўсмалар пайдо қилиши шунингдек нейродегенератив касалликлар ривожланишида иштирок этиши мумкин. Бу маҳсулот шведларнинг тамаки маҳсулоти бўлган «снюс»нинг аналогли бўлиб ҳисобланади ва оғиз бўшлиғида шимилиши боис, бошқа ҳар қандай тамаки маҳсулотлари каби милк, суяк тўқимаси, тиш боғламаларининг бузилишига, тишларнинг барвақт тўкилиши каби саратон олди ҳолатларга олиб келади, кейинчалик эса оғиз бўшлиғи, тил, лаб, милк, ҳиқилдоқ, қизилўнғач, ошқозон ва ошқозон ости беши саратони ривожланиши мумкин.

Бундай маҳсулотларда никотин миқдори юқори ва истеъмол қилиш вақти давомли бўлгани сабабли, уни истеъмол қилганларнинг юрак уриши частотаси узоқ вақт юқори бўлади ва соғлиққа қўшимча хавф туғдиради, шунингдек артериал босим кўтариллиши мумкин. Огоҳликка ундовчи жиҳат – никотинли «снюс»ни истеъмол қилган пайда ва ундан кейин ҳиднинг бўлмаслиги сабабли болалар ва ўсмирлар дастлаб никотинли «снюс» истеъмол қилаётганини ота-онасидан бемалол яширадилар, ота-оналар эса кўпинча фарзандлари шубҳали нарсаларни истеъмол қилаётганидан гумон қилмайдилар. Шу тариқа янги иллат ёшлар ўртасида тез тарқалиб кетади.

**СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА...**

Баъзи бир маълумотларга қараганда, никотиннинг бир марта қабул қилгандаги токсик дозаси чекмайдиган катталарда 4-8 мг.га тенг, болалар учун эса, бу доза ичга қабул қилинганда ўлимга олиб келади. Кўпинча катталар учун никотиннинг ўртача летал дозаси 30 дан 60 мг.гача ораликда (0,5 – 1,0 мг/кг), болалар учун – 10 мг.гача кўрсатилади.

НИКОТИНЛИ «СНЮС»НИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛИШИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Бошқа тамаки маҳсулотлари каби, никотинли «снюс» ҳам дўконларда, кўчаларда сотилмоқда, сотув жойларида сотувларни рағбатлантириш учун унинг катталаштирилган қутилари жойлаштирилган. Натижада ушбу маҳсулот мактаб ўқувчилари, ўсмирлар ўртасида оммалашиб кетмоқда.

«ЭПИДЕМИЯ»ДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯНИШ МУМКИН, МУТАХАССИСЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясида шундай дейилган: «Тама-

кига қарши курашиш бўйича жамоат соғлиғини сақлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тарафлар ўз сиёсатини миллий қонунчиликка мувофиқ тамаки саноатининг тижорий ва бошқа корпоратив манфаатларидан ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаб ҳаракат қиладилар» ҳамда «тамаки маҳсулотларининг инновацион ва янги турлари истеъмол қилиниши бошланишининг олдини оладилар», булар қаторига никотинли «снюс» ҳам кириди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тамакига қарши курашиш бўлими чекилмайдиган (тутунсиз) барча тамаки маҳсулотлари турларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, айланмаси, сотишни қонун билан тақиқлашни тақлиф этмоқда. Чекилмайдиган (тутунсиз) тамаки маҳсулотлари, шу жумладан, носвой айланмаси Сингапурда ҳамда Қозоғистон, Россия, Тожикистон каби қўшни мамлакатларда тақиқланган. Никотинли «снюс» таркибида никотин бўлгани боис кучли наркотик қарамликни келтириб чиқариши билан ҳам ўта хавфлидир.

«Rost 24» интернет нашри маълумотлари асосида тайёрланди.

Муносабат

ЮРТБОШИМИЗГА ЕЛҚАДОШ БЎЛИШ - ОЛИЙ МАҚСАДИМ

Юртбошимизнинг Олий Мажлисидаги Мурожаатномасини катта қизиқиш ва эътибор билан тингладим. Кейинчалик маърузалар матнини қўнғ билан такрор-такрор ўқиб чиқдим. Маърузаларда тилга олинган 2021 йилда юртимизда амалга оширилиши режалаштирилган энг устувор вазифалар, ёшларга яратиладиган имкониятлар, тиббиёт тизимида амалга оширилиши кўзда тутиладиган ўзгаришлар ҳам шифокор, ҳам ёшлар парламенти аъзоси сифатида менда катта таассурот қолдирди.

Хусусан, Анжуманлар саройидаги маърузада Президентимиз «Ёшлар: 1+1» дастурини амалиётга тадбиқ этиш, шу орқали ишсиз ва уюлмаган ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, «Хар бир тадбиркор – ёшларга мададкор» тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббусини илгари сурди.

Таъкидланганидек, 2021 йилдан энг юқори балл билан ўқишга кирган 200 нафар талабага махсус Президент гранти

берилиши, ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 100 миллион доллар маблағ ажратилиши, худудларда Ёшлар кичик саноат зоналари ташкил этилиши каби устувор вазифалар баркамол авлод вакилларига эътиборнинг юксалаётганидан далолат беради. Маърузада айтилганидек, IT соҳасида фаолият юритаётган ёшлардан гуруҳ ташкил қилинади ва улар дунё гигантлари Facebook, Google каби компанияларнинг тажрибасини ўрганиш учун АҚШ даги Силикон водийсига саёҳатга юборилади.

Бу ҳам рақамли технологиялар соҳасида изланишлар олиб бораётган минглаб тенгдошларимиз учун жуда қулай имкониятдир. Эндиликда «Ёшлар мурожаати» электрон платформаси яратилади, касб-хунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали махсус сертификат олган ёшларга Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст ставкада 3 йилдан 7 йилгача муддатга микрокредитлар берилади. Ушбу вазифалар ҳам ёшлар форумидаги маърузада алоҳида тилга олинди. Мен Тошкент тиббиёт академиясида бакалаврият ва магистратура босқичларини тамомлаб, айни пайтда ёш шифокор сифатида фаолият олиб бораёман. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисида мурожаатномасидаги соғлиқни сақлаш соҳасига оид фикрлари ҳам диққатимни тортди.

Хусусан, маърузада 2021 йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш, бу ишлар учун давлат бюджетидан 3 триллион сўм захира шакллантирилиши қайд этилди. Эндиликда пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада ортади. Юртбошимиз оналар ва болалар саломатлигини асраш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, шу мақсадда 2021 йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситала-

ри бепул тарқатилишини маълум қилди. Дарҳақиқат, аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилиши мумкин. Мен ҳам ёшларнинг фаол бир вакили сифатида она юртимиз рағнақи йўлидаги бундай ҳайрли ташаббуслар ва вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиб, Юртбошимизга елкадош бўлиш олий мақсадимга айланди.

Азамат АБДУРАҲМОНОВ, Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси, Халқ депутатлари Олтиариқ туман кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

ОРДЕР АСОСИДА ИМТИЁЗЛИ ДАВОЛАНИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА



БУ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БЕМОРЛАР УЧУН АМАЛ ҚИЛАДИ

Айни пайтда пойтахт аҳолисига давлат томонидан кафолатланган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий хизмат бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи муассасаларда, жумладан, оилавий ва марказий кўп тармоқли поликлиникалар ҳамда барча диспансерларнинг амбулатория хизмати томонидан кўрсатилмоқда.

Шу пайтгача стационар шароитда беморлар учун давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ижтимоий, юқумли касалликлари бўлган, оналик ва болалик йўналиши ҳамда шошилиш тиббий ёрдам талаб этиладиган барча ҳолатларда кўрсатилган. Шу билан бирга, республика тасарруфидаги тиббиёт муассасалари (клиник шифохоналар ва илмий-амалий тиббиёт марказлари) ҳамда шаҳар клиник шифохоналари томонидан фақатгина имтиёзга эга бўлган аҳоли қатламига бепул тиббий хизмат кўрсатилган. Аммо аҳолининг имтиёзга эга бўлмаган қатлами (18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар) учун режали равишда стационар шароитида ихтисослашган тиббий ёрдам олиш учун шароит яратилмаган эди. Ушбу фуқароларнинг аксарияти режали стационар шароитида даволашни учун тиббиёт муассасаларининг пуллик хизмат бўлимларига мурожаат қилишига тўғри келган. Эндиликда бу ҳолатларга барҳам берилди.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан, **давлат бюджет ҳисобидан даволашни учун бериладиган йўлланма (ордер)ларни эндиликда пойтахтимиздаги 11 та шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалари билан бир қаторда 64 та оилавий поликлиниканинг оила шифокори томонидан ҳам бериладиган бўлди.** Бу ҳақда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинди.

Унга кўра, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги барча тиббий муассасалар (1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-сон шаҳар клиник шифохоналари, Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси шифохонаси, шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонаси, шаҳар эндокринология диспансери, шаҳар тери таносил касалликлари диспансери ҳамда бошқарма тасарруфидаги барча турғуқ комплекслари) ордер тизимида ўтказилди.

Даволашни учун харажатлар қандай таъминланади?

– Ҳар бир ордернинг ортида ўртача 2,5-3 миллион сўм харажат ётибди. Биз шаҳар тиббиёт муассасалари миқёсида ойига 5 000 мингдан ортиқ шундай ордерлар ажратдик ва стационар муассасаларга тақсимладик, – дейди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари – Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Анвар Алимов. – Шундай қилиб, йил давомида илк бор имтиёзга эга бўлмаган 60 минг нафардан ортиқ фуқаро бюджет маблағлари ҳисобидан кафолатланган режали стационар даволашига эришилади. Ушбу ўринлар сони эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, структуравий ўзгаришлар асосида ўрин жойларни ва керакли бўлимларни кенгайтириш имкониятига эга. Шунингдек, амалга оширилган ишлар натижасида Республика муассасаларига бўлган мурожаатлар кескин камайишига эришилади.

Бугунги кунда янги тартиб асосида бемор бевосита оила шифокори томонидан бериладиган йўлланма (ордер) асосида ҳеч қандай тўловсиз ва навабатсиз режали равишда даволашни ҳуқуқига эга бўлмоқда. Шу орқали Тошкент шаҳри аҳолисининг

имтиёзсиз аҳоли қатламини режали стационар шароитда даволаш, соғломлаштириш чора-тадбирлари белгилаш мақсадида, клиник шифохоналарда 29 та йўналиш бўйича 1 140 та ўрин-жой ташкиллаштирилди (ихтисослаштирилган хирургия йўналиши 443, терапия 245, эндокринология 125, кардиология 130, неврология 113, ревматология 42, аллергология 20, пульмонология 25 ва офтальмология 95 ўрин жой ва бошқалар). Шу тариқа имтиёзга эга бўлмаган аҳолига стационар шароитида даволашни учун ордер олиш мумкин бўлган муассасалар сони пойтахтимизда 11 тадан 75 та тиббий муассасаларга оширилди. Бугунги кунда ўтказилаётган хатлов якуни билан режали равишда стационар шароитида даволашига муҳтож бўлган беморларнинг касаллик йўналиши бўйича қўшимча бўлимларни ташкиллаштириш режалаштирилган.

Ордер бор, ўрин бор, сифат-чи?

Бу лойиҳа, ўз навбатида, тиббий хизмат сифатини ва шифокорлар малакасини ҳам янада юксалтиришни талаб қилади. Шунинг учун, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг юридик мақомага эга бўлмаган 11 та филиалини очиб бўйича меморандумлар имзоланди. Ҳозирда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалида янги 20 ўринли нейроонкология, шаҳар 1-сон клиник шифохонасида 20 ўринли катталар учун гематология, шаҳар 4-сон болалар клиник шифохонасида эса 20 ўринлик болалар учун гематология бўлими ташкил этилди.

Тошкент шаҳрида яшовчи беморларга малакали кардиологик, терапевтик, эндокринологик, травматологик, офтальмологик, нейрохирургик, урологик, неврологик, хирургик ва гемодиализ йўналишлари бўйича малакали тиббий хизматларни ташкиллаштириш ва юқори технологик амалиётларни ўтказиш ишларини самарали таъминлаш имконияти яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри аҳолисига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, моддий имконияти чекланган беморларни вақтида даволаш мақсадида киритилаётган бундай ўзгаришлар пойтахтимизнинг тиббий ландшафтини яхшилашга ва аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини юксалтиришга хизмат қилади.

ФИДОЙИЛАР ОРАМИЗДА, ЁНИМИЗДА

Ўтган 2020 йилда Хоразм вилояти Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг икки нафар ходими давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Бу, шубҳасиз, коронавирус пандемиясига қарши курашишда фаол иштирок этиб келаётган янгиариқлик тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатларига берилган муносиб баҳо эди.

Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасида 1276 нафар ходим, жумладан, 213 нафар шифокор, 752 нафар ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Улар пандемия шароитида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди, десак, виболага қилмаган бўламмиз. Вилоятдаги карантин ҳудудларидан иккитаси Янгиариқда ташкил қилинган ҳам фикримиз далилидир. Касаллик авж олган даврларда 120 та шифо ўрни фаолият кўрсатди. Шундан 10 таси реанимация ўринлари эди. Бундан ташқари, яна 80 та ўрин захира сифатида тайёрлаб қўйилди. Туман тиббиёт бирлашмаси касабга уюшма кўмитаси раиси Муродбек Ёқубов ҳам реанимация бўлимида дунёни ларзага келтирган офатга қарши курашганлардан бири.

– Уч-тўрт ойлаб туну кун ишлаган вақтларимиз бўлди, – дейди касабга кўмитаси етакчиси ўша кунларни эслаб. – Навбатчиликдан чиқиб, хонамга келиб, курсида бирпас мизғиб олардим ва яна

ишга шўнғиб кетардим. Қанча инсонлар ҳаёт учун курашаётганини кўриб, чарчоқ ҳам билинмас экан. Уйдагиларга кунига бир марта кўнғироқ қилиб, соғлигим яхшилигини айтиб, улардан ҳам омонлик сўраб кўярдим. Ҳамкасбларимиз билан қилган меҳнатларимиз зое кетмади, бугунги келиб, туманимизда касаллик йўқлиги туфайли карантин муассасалари фаолияти тугатилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, вилоятнинг барча ҳудудларидаги коронавирусга чалинган ҳомиладор аёлларга Янгиариқда тиббий хизмат кўрсатилгани, коронавирусга чалинган ҳомиладорлар туғуруқхонаси шу муассасада ташкил қилингани зиммасида ташкил қилинган ишларимиздаги меҳнатимизнинг бир неча баробарга ошириди. Тиббий хизматни сифатли ташкил қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирлиги туман тиббиёт бирлашмасига 4 та ИВЛ, 3 та SPAP ҳамда 5 та кислород концентратори олиб берди. Инқирозга қарши курашиш жағфармаси маблағлари ҳисобидан 1781 тўплам дори воситалари уй карантинига олин-

ган беморларга тарқатиш учун ажратилди. Албатта, янгиариқлик тиббиёт ходимларининг фидойи меҳнатлари муносиб баҳосини олди. 9 та тез тиббий ёрдам бригадасидаги 97 нафар ходимга 345 миллион сўм миқдорда бир марталиқ мукофот пули ажратилди. Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан ишлаган 330 нафар ходимга ҳар 14 ва 30 кунлик давр учун махсус рағбатлантириш тўловлари амалга оширилди. Коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган 233 нафар тиббиёт ва бошқа ходимларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорда ҳар кунлик қўшимча тўловлар тўлаб берилди.

– Оғир йўқотишлар ҳам бўлди, – дейди касабга кўмитаси етакчиси. – Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, воҳа соғлиқни сақлаш ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шифокор, пандемияга қарши курашнинг биринчи сафларида турган фидойи устозимиз, тиббиёт фанлари номзоди Баҳодир Исмоилов хасталик туфайли 58 ёшида оламни тарк этди. Кўплаб ҳамкасбларимиз хасталик юқтириб олди. Бироқ ҳеч биримиз чекинмадик. Зеро, биз учун халқ, миллат саломатлигини асраш бирламчи вазифадир.

Туман тиббиёт бирлашмасига воҳанинг машҳур жарроҳларидан бири, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида фаолият кўрсатиб

келган шифокор Абдушариф Назаров раҳбар қилиб тайинланди. Интилувчан раҳбар устозлар фаолиятини муносиб давом эттирмоқда.

– Пандемия ҳар бир инсон ўз соғлиғига эътиборли бўлиши кераклигини кўрсатди, – дейди Абдушариф Назаров. – Шу мақсадда пандемия туфайли тўхтаб қолган аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш тадбирлари яна давом эта бошлади. Кўриқлар натижалари аҳоли орасида соғлом турмуш тарғиботини янада кучайтиришимиз давр тақозоси эканини кўрсатмоқда. Албатта, спорт билан шуғулланиш учун зарур шароит ҳам тақозо қилинади. Шу сабаб касабга кўмитаси етакчисининг соғломлаштириш маркази ташкил қилиш таклифни бажонидил қўллаб-қувватладик. Иш берувчи томонидан ажратиб берилган маскан касабга уюшма кўмитаси маблағлари эвазига зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди. Эндиликда бу ерда шахмат-шашка, теннис ўйнаш, фитнес машғулоти билан шуғулланиш мумкин. Марказнинг ташкил қилиниши ўз соғлиғига бефарқ бўлмаган тиббиёт ходимларини хурсанд қилди. Улар ишдан бўш вақтларида турли спорт машғулоти билан шуғулланиб, жисмонан чиникмоқдалар. Жамоа аъзолари билан суҳбатлашганимизда, касабга кўмитаси уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётганини билдирди-

лар. Ўтаётган йилда 73 нафар ишчи-хизматчи 16 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 5 нафар ходимнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳати уюштирилди. Яқинда 4 нафар ходим касабга уюшмаси тавсияси билан соғлиқларини санаторийларда мустаҳкамлаб қайтди. 11 нафар нафақадаги ходим рағбатлантирилди. 20 нафар кам таъминланган ходимларнинг фарзандларига ўқув қуроллари тақдим этилди. 14 нафар ҳамшира моддий қўллаб-қувватланди. Пандемия шароитида меҳнат қилган тиббиёт ходимларига 9 миллион сўмликдан зиёд антисептик воситалар олиб берилди. Бу йил нафақага чиққан 4 нафар врач, 22 нафар ўрта тиббиёт ходими ҳам муносиб рағбатлантирилди. Бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин.

– 2021 йилда фаолиятимиз янада самарали бўлишига ишонамиз, – дейди Муродбек Ёқубов. – Иш берувчи билан ҳамкорликда янги режалар тузаяммиз. Жамоа шартномасида ходимлар учун янада кенгроқ имкониятлар бериш мақсадида музокаралар олиб бориляпти. Зеро, ҳар бир ходимнинг ўз меҳнатидан рози бўлишини таъминлаш асосий мақсадимиздир.

Мухаббат ТҮРАБОЕВА,
«ISHONCH» газетаси
муҳбири.

Ижтимоий ҳимоя

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЭЪТИРОФИ

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, кўплаб самарали лойиҳалар, улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Юртимизнинг ҳар тонги янгилик ва янгиланишларга гувоҳ бўлмоқда. Хушxabарлар ортидан келаётган хушxabарлар деярли ҳар бир соатда рўй бериб турибди. Барча соҳада бўлгани сингари, кексалар, пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланган кишиларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш борасида ҳам кенг қўламли ўзгаришлар рўй берапти...

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоятлаб қатламига манзилли ёрдам кўрсатиш масаласига жиддий аҳамият қаратилмоқда. Ушбу соҳада бажарилаётган ишлар самарадорлигини таъминлашида эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги зиммасига энг долзарб ҳамда муҳим вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 март кунидаги қарори асосида ташкил этилган Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ва унинг ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматлар бўлинмалари, туман (шаҳар) шўъбалари томонидан ижтимоий ҳимоятлаб ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий иқтисодий-манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг жамият ҳаётига интеграциялашувига кўмаклашиш, жисмоний имконияти чекланган инсонларга ижтимоий кўмак тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2018 йил 20 июнда “Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқарилишини ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси асосида “Саховат” ва “Мурувват” интернат-уйлари, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фаришлари учун санаторийларида кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни такомиллаштириш, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар, ногиронлик белгилаш ва ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида олиб берилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг манзиллиги таъминланмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро ногиронлар кунини муносиб ётказиш тўғрисида”ги 1-сон баёни ижросини таъминлаш доирасида бажарилаётган вазифалар, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёши улғу ва ёрдамга муҳтож кишиларга инсонпарварлик юзасидан берилган моддий ва маънавий кўмаклар инсон ва унинг манфаати юксак кадр топганининг ёрқин ифодаси бўлди, десак муболага бўлмайди.

Мазкур баёнга мувофиқ ўтказилган “Меҳр-мурувват” ойларида маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва нодавлат ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда, қарантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, меҳр-мурувват ойларида 33 та “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйларида 8,3 минг нафар васийликка олинган шахслар, 27,5 минг нафар ихтисослашган мактаб-интернатлар тарбияланувчилар, 13,9 минг нафар уйда таълим олаётган ногиронлиги бўлган болалар, ҳамда ҳудудларда кўмакга муҳтож бўлган 66724 нафар шахслар қамраб олинди. **Республика бўйича муҳтож фуқароларга жами 1580 донна ногиронлик аравачаси, 829 донна эшитиш мосламаси, 1014 донна ҳасса, 468 жуфт қўлтиқ таёк, 130 донна кўзи ожизлар ҳассаси, 106 донна ходунук, 3704 донна протез-ортопедия буюмлари етказиб берилди.**

Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар томонидан кир ювиш машиналари, кир қуритиш торлари, дазмоллар, дазмол столлари, музлатгичлар, телевизорлар, кир ёйиш мосламалари каби маиший техникалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ҳудудларда жами 10,2 млрд. сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. 600 нафардан ортиқ ёлғизлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг таъмирталаб уй-жойларини таъмирланди, бепул тиббий кўриқлардан ўтказилди, соғломлаштириш тадбирлари бажарилди.

Қарийб 3,1 минг нафар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул санатор йўлланмалари ажратилди, 1,8 минг нафар зиёд ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитация марказларида тиббий-ижтимоий реабилитация тадбирлари ўтказилди. 17,0 минг нафар оғир шароитдаги, ўзгалар парваришига муҳтож яққа ёлғиз ва ёлғиз истиқомат қилувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолидан хабар олинди ва турли кўринишдаги кўмак кўрсатилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқориги Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашилар депутатлари билан учрашув ва давра суҳбатлари, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши ва фойда-

ланиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида махсус акциялар, ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бепул юридик маслаҳат хизматлари ташкил этилди.

2020 йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ва БМТнинг Европа Иттифоқининг ОБСЕ ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган “Халқаро ногиронлар кунини”га бағишланган конференцияда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Карлар жамияти, Ногиронлар ассоциацияси ва бошқа тегишли ташкилотлар иштирок этиб, “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганидан сўнг, бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳамда муаммоларнинг ечими юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Онлайн видео-конференция кўринишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП Фракцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон Карлар жамияти ва Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси иштирокида “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш-ижтимоий ҳимоянинг мустаҳкам пойдеворидир” мазусидаги давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган асосда қўллаб-қувватлаши, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий ва маънавий қадриятларимиз, аъна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади. Шу боис, **ойлик давомиди 8337 нафар “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйларида васийликка олинганлар учун байрам дастурхонлари ёзилди, жами 325 донна турли маиший техника ускуналари етказиб берилди, 52 донна реабилитация техника воситалари билан таъмирланди. Ойлик давомиди интернат уйларида жами 1,9 млрд. сўм ҳомийлик ва кўмак кўрсатилди.**

Мана шундай эзгу ишларда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Айниқса, “Мурувват” ва “Саховат” уйларида қўллаб-қувватлаш Республика Васийлик кенгаши, маҳаллий ҳокимликлар, “Вақф” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва унинг ҳудудий вакилликлари, мамлакатимиздаги бир қатор тижорат банклари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, қасба уюшма ташкилотлари, Қизил ярим ой жамияти, Соғлом авлод жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Адлия вазирлиги, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Миллий гвардия ходимлари фаол иштирок этишди. Олмалик тоғ-кон мета-

лургияси комбинати ишчи-ҳодимлари, мамлакатдаги хусусий шифохоналар, тадбиркорлар ҳам фаол иштирок этишди.

Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлар шўъбалари томонидан рўйхатида олинган **1145 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ҳамда ёлғиз яшовчи кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга** тиббий-ижтимоий хизматлар шўъбаларининг уйда хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходимлари билан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг патронаж ҳамширалари биргаликда уйда патронаж хизматлари кўрсатилди. Шунингдек, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам ҳудудий бригадалари томонидан ҳам **2859 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларга** патронаж хизмати кўрсатилди. 2020 йилда ҳокимият органлари томонидан 1,3 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар иш билан таъминланди. **Келгуси 2021 йилда бу борадаги ишларнинг қўламини 7 мартага ошириш режалаштирилган.**

Қолаверса, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда **21,3 минг нафар, санаторий туридаги мактаб-интернатларда 6,1 минг нафар ўқувчилар таълим-тарбия олаётган ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳолидан хабар олинди.**

Дарвоқе, имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактабларида 2020/2021 ўқув йилида 19 та касб бўйича 687 нафар ўқувчи қабул қилинган бўлиб уларга 97 нафар педагоглар томонидан дарс бериб келмоқда. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда кўзи ожизлар учун Республика Марказий кутубхонаси, 13 та вилоят кутубхоналари ҳамда туман (шаҳар)ларда уларнинг 119 та филиаллари фаолият юритмоқда. Ушбу кутубхоналарда 540 мингдан ортиқ китоблар мавжуд. Уларнинг 266 мингдан ортиғи босма китоблар, 126 мингдан ортиғи Брайль ёзувидаги китоблар, 22 мингдан ортиғи электрон китоблардир.

Кўзи ожизлар кутубхоналари 2019 йилда 100 дан ортиқ кўчма кутубхоналар ташкил этилган. Кейинги йилларда Республика Марказий кутубхонасида ташкил этилган мини типографияда 18 номдаги 1299 та Брайль ёзувидаги китоблар чоп этилган. **Овоз ёзиш студиясида 17 номда 221 та нусхада аудио китоб яратилган.**

Бундан ташқари, имконияти чекланган фуқароларни ўқисик кўнглини кўтаришга қаратилган энг долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мавжуд **33 та темир йўл вокзалларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсқинсиз ҳаракатланиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилган.**

Тошкент-Жанубий вокзали, Тошкент-Шимолий вокзали ҳамда Самарқанд темир йўл вокзалла-

рида мослашлатирилган ер ости ўтиш йўлаклари ташкил қилинган. Барча темир йўл вокзаллари махсус аравачалар билан таъминланган ва ушбу аравачалар ҳаракатланиши учун алоҳида йўлақлар ташкил этилган.

“Тошкент-Жанубий” ҳамда Наманган темир йўл вокзалларида йўловчиларнинг эркин ҳаракатланишлари учун юқорида ҳамда пастга ҳаракатланувчи курилма (лифт) ишга тушган. 4 та “Афросиёб” электропоездининг ҳар бирида иккитадан мослаштирилган ҳаракатланувчи йўловчи поездларни мослаштириш мақсадида 2 донна “ногиронлиги бўлган йўловчилар вағони” харид қилинди. Уларнинг ҳар бирида ногиронлиги бўлган йўловчилар учун 2 тадан жой мавжуд. “Тошкент-Жанубий” ҳамда “Тошкент-Шимолий” темир йўл вокзалларида 4 та “Сурдо-онлайн” таржимонли планшетлар ўрнатилган. Республикаимизнинг барча аэропортларида Халқаро авиатранспорт ассоциациясининг талабларига ва ички норматив ҳужжатларга мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун зарур шароитлар яратилган. Ҳар бир аэропорт ва аэровокзалларга кириш ва чиқиш ҳудудида пандуслар ўрнатилган, алоҳида мослаштирилган хожатхона ва мосламалар мавжуд. Барча аэропортларда ногиронлиги бўлган шахсларга навбатсиз хизмат кўрсатиш, узлуксиз тиббий хизмат тизими йўлга қўйилган, мослаштирилган аравачалар билан таъминланган. Тошкент ва Навоий аэропортларида жисмоний имконияти чекланган шахсларни ҳаво кемасига ортиш ва тушириш учун амбулифт машиналари билан жиҳозланган. Дарҳақиқат, Янгиер “Мурувват” интернат уйида васийликка олинган шахслар томонидан ишлаб чиқилган тикувчилик ва тўқувчилик маҳсулотлари, Сирдарё “Мурувват” интернат уйида васийликка олинганлар томонидан ишлаб чиқилган тўқувчилик маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилди. Мазкур кўргазмада 10 турдан зиёд маҳсулотлар намойиш этилди. Шу билан бирга, Хива «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйида эса ҳайкалтарошлик, рассомчилик ва дурадгорлик устахоналари ишга туширилди. Ушбу йўналишлар бўйича васийликка олинувчилар орасидан лаёқатлилари танлаб олинди. Ҳозирги кунда устахоналар фаолияти йўлга қўйилган ва уларнинг меҳнат маҳсуллари турли кўргазмаларда иштирок этиш учун танлаб олинди.

Хуллас, айтаверсак, юқоридаги каби жозибали мисоллар жуда кўп. Ислоҳотларнинг ҳаётбахш самаралари ҳар қадамда яққол сезилади. Чунки, амалга оширилаётган ҳар қандай ислоҳот марказида ҳамма инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари туради.

Хулоса қилиб айтганда, ногиронлиги бўлган шахслари, ёлғиз кексалари қадрланган юртнинг ҳаёти нурафшон, фойзли, кут-баракали ва албатта, эртанги кунни янада порлок бўлади.

Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги Матбуот хизмати

ОТКРОВЕННЫЙ РАЗГОВОР О ТУБЕРКУЛЕЗЕ

Лаутаро, Сарвар и Екатерину объединяет одно - их желание помочь людям, затронутым туберкулезом, в получении необходимой поддержки и лечения. У каждого из них свой опыт борьбы с туберкулезом - либо в их семьях, либо у них самих.

Лаутаро Палмер вспоминает, как его дядя заразился и не хотел лечиться. Лаутаро заботился о нем, наблюдая весь процесс от постановки диагноза до успешного завершения лечения. «Вы понимаете важность решения этой проблемы только тогда, когда сталкиваетесь с ней лично», - говорит Лаутаро.



Как и тысячи других трудовых мигрантов, Сарвар Отажонов, вероятно, заразился туберкулезом во время работы в России. После возвращения домой он долгое время не обращался за медицинской помощью, пока из-за болезни он не смог работать. К счастью, с помощью медицинского персонала местной проти-

вотуберкулезной больницы и волонтеров проекта USAID по борьбе с туберкулезом, которые оказали ему психологическую и социальную поддержку, Сарвар смог победить болезнь.

Теперь он сам является волонтером, оказывая поддержку, предоставляя советы, консультации и рекомендации другим людям, затронутым тубер-

кулезом. Среди тех, кому Сарвар помогает в соблюдении режима лечения, есть мигранты и женщины, которые без поддержки прекратили бы лечение из-за стигматизации, дискриминации или семейных обстоятельств.

Екатерина несколько раз лечилась от туберкулеза. Последний курс лечения от туберкулеза с широкой лекарственной устойчивостью был самым длительным и сложным. Для нее это было серьезной борьбой, в которой, как она сама признается, она не смогла бы победить без поддержки семьи и друзей. Екатерина вспоминает, как ей было больно наблюдать за другими женщинами, больными туберкулезом, у которых не было поддержки и понимания, даже со стороны близких родственников. Она искала возможности поддержать таких женщин и всегда говорила: «Никогда не теряйте надежду, найдите причину и желание жить, и вы обязательно победите болезнь». Эти и многие другие подобные истории о борьбе и поддержке, необходимой для победы над туберкулезом, должны быть услышаны всем сообще-

ством, включая людей, принимающих решения. При поддержке проекта USAID по ликвидации туберкулеза в Центральной Азии Национальная программа по борьбе с туберкулезом в Узбекистане инициировала создание новой Коалиции людей, затронутых туберкулезом. Коалиция будет участвовать в разработке национальной стратегии по борьбе с туберкулезом, и выступать от имени людей, затронутых туберкулезом, при принятии решений в области здравоохранения. Для Узбекистана это новое направление, так как формирование политики традиционно было исключительно ответственностью Правительства.

Лаутаро, Сарвар и Екатерина - первые волонтеры, заинтересованные в том, чтобы стать членами-основателями Коалиции. Сейчас они участвуют в разработке Национального стратегического плана по борьбе с туберкулезом и заявки Узбекистана в Глобальный фонд по финансированию инициатив по борьбе с туберкулезом. Они внесли вклад в процесс разработки стратегии своими конкретными идеями по усилению психологической и социальной поддержки людей, затронутых

туберкулезом, и повышению внимания к влиянию COVID-19 на лечение туберкулеза - это важные вопросы, которые часто упускаются из виду в стратегии правительства. Вопросы, поднимаемые волонтерами, имеют решающее значение для соблюдения режима лечения и обеспечения его успеха, не говоря уже об общем благополучии людей, затронутых туберкулезом.

В прошлом у людей, больных туберкулезом, не было возможности внести свой вклад в формирование политики в отношении туберкулеза. Благодаря поддержке Национальной программы по борьбе с туберкулезом, USAID и самоотверженности таких людей, как Лаутаро, Сарвар и Екатерина, ситуация поменялась к лучшему. Коалиция прокладывает новый путь, на котором правительство и гражданское общество смогут объединиться для выработки политики и стратегии, которые лучше отвечают потребностям людей, затронутых туберкулезом, и людей, входящих в группу риска.

www.usaid.gov

УЧЕНЫЕ УЗБЕКИСТАНА И РОССИИ РАЗРАБОТАЛИ МЕТОД ЛЕЧЕНИЯ КОРОНАВИРУСА РАДИАЦИЕЙ



Коллектив ученых из России и Узбекистана установил, что слабые дозы радиации (например, рентгеновское излучение) способны уничтожить коронавирус. Специалисты разрабатывают методические рекомендации по использованию радиации в лечении пациентов с Covid-19 и при дезинфекции, сообщает корреспондент Podrobno.uz со ссылкой на Уральский федеральный университет (УрФУ).

«Суть этой пионерской идеи в том, что огромная молекула РНК данного вируса при попадании в клетку человека вынуждена сильно деформироваться во многих участках вдоль своей длины. Оказалось, что деформированные места вдоль молекулы РНК в тысячу раз более чувствительны к радиационному воздействию, чем молекулы здоровых клеток. Из этого следовало, что малые дозы радиации, губительные для вируса, будут абсолютно безопасны для здоровых клеток», - рассказал профессор, руководитель научной лаборатории «Физика функциональных материалов углеродной микро- и оптоэлектроники» Анатолий Зацепин.

Изучение радиационного влияния на новый коронавирус проводится учеными УрФУ и Акаде-

мии наук Узбекистана. Исследование началось с идеи, выдвинутой в апреле 2020 года группой ученых из Узбекистана, возглавляемой профессором Борисом Оксенгендлером, который одновременно является и сотрудником лаборатории в УрФУ.

В настоящее время в ходе совместных исследований обнаружено несколько деталей воздействия мягкого рентгена и даже ультрафиолета на коронавирус, отмечают ученые. Специалисты предлагают использовать радиацию не только для лечения человека и профилактики заболеваний, но и для дезинфекции предметов, продуктов и помещений. Объединенный коллектив ученых РФ и Узбекистана на данный момент разрабатывает методику лечения.

«Этот метод рассчитан не

только для вирусов Covid-19, но и для других вирусов, в частности, для его мутаций. Как физики мы разрабатываем и анализируем механизмы радиационного воздействия на микроорганизмы, а биологи и медики помогают понять, как это влияет на организм человека в целом. При этом в свете последних событий следует отметить, что никакие мутации вируса, препятствующие борьбе с ним биологическими методами, совершенно не влияют на эффективность радиационного метода по механизму оже-деструкции», - подчеркнул Зацепин, отметив, что в планах у ученых определить, является ли предложенный механизм доминирующим во всех вероятных ситуациях или нет.

www.podrobno.uz

О СПОСОБНОСТИ COVID-19 СТАТЬ СЕЗОННОЙ ИНФЕКЦИЕЙ

Всемирная организация здравоохранения подтвердила описанные Роспотребнадзором перспективы превращения коронавируса SARS-CoV-2 в сезонную инфекцию.

Коронавирус COVID-19 может остаться на планете Земля навсегда, а наличие высокоэффективной вакцины не дает гарантий его полного искоренения. Об этом в интервью «Российской газете» заявила представитель Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) в России Мелита Вуйнович.

Отвечая на вопрос, есть ли предпосылки к тому, что COVID-19 станет сезонным заболеванием, она сказала, что такой вариант возможен, однако для однозначного ответа надо понаблюдать несколько сезонов. По словам Вуйнович, чтобы рассмотреть вероятность устранения или полного искоренения коронавируса, надо выяснить, как долго вакцины обеспечивают иммунитет и насколько эффективны программы вакцинации для достижения высокого иммунитета.

«Даже наличие высокоэффективной вакцины не гарантирует, что мы сможем полностью уничтожить или искоренить вирус. Вероятный сценарий в контексте эффективной глобальной программы вакцинации состоит в том, что в будущем вирус станет эндемическим вирусом с низким уровнем угрозы», - сказала она.

ПРОБЛЕМЫ С ГЛАЗАМИ ДОБАВИЛИ В СПИСОК СИМПТОМОВ COVID-19

Самые распространенные симптомы нового коронавируса - лихорадка, усталость и сухой кашель. Но, показывают наблюдения врачей, воспаление глаз также является классическим симптомом COVID-19, пишет The Times of India. Отчеты говорят: симптомы со стороны глаз отмечаются у 4-31% пациентов с COVID-19.

К примеру, исследование, проведенное в Китае, показало,

что у детей, страдающих COVID-19, также развиваются проблемы с глазами, включая симптомы конъюнктивита. 18% пациентов с COVID-19 страдают светобоязнью, 16% жалуются на боль в глазах, а 17% - на зуд. По словам врачей, список симптомов коронавирусной инфекции постоянно расширяется. Помимо респираторных и общих симптомов (заложенность носа, лихорадка, сухой кашель, боль в горле, боль в груди, одышка, усталость), в списке можно найти проблемы с пищеварением, потерю обоняния и вкуса. Наличие сразу нескольких характер-



ных симптомов должно стать веским поводом для тревоги.

The Times of India

Телемедицина

ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан худудлардаги беморларга телемедицина орқали маслаҳатлар бериш ташкил этилди.



Ҳар кун, яъни худудлардаги терапия йўналишидаги оғир беморларнинг он-лайн кон-

сультацияси марказнинг етакчи мутахассислари – марказ директори Б. Аляви, академик А. Аля-

ви, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг терапия бўйича бош мутахассиси профессор У. Камилова, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гастроэнтерология бўйича бош консультанти профессор М. Каримов, профессор М. Алиахунова, профессор Г. Содиқова, тиббиёт фанлари докторлари – А. Абдуллаев, Д. Раҳимова, Г. Собирова ва тиббиёт фанлари номзодлари – Э. Дўсмухамедова, Д. Тўлаганова, Н. Дусанова, С. Нуриддиновалар томонидан амалга оширилмоқда. Консультация қилинаётган беморлар худудлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларининг гастроэнтерология, кардиология, ревматология ва пульмонология бўлимларида даволанаётган бўлиб, уларга ташхислаш ва даволаш муолажалари бўйича маслаҳатлар бериш билан бирга, парҳез, жисмоний машқлар, ка-



саллик асоратлари профилактикаси ҳамда бирламчи бўғинда кузатиш бўйича керакли тавсиялар берилмоқда. Мазкур телемедицина орқали онлайн тизимида берилган маслаҳатлар беморлар даволаниши самарадорлиги-

ни оширишга ва асоратлар олдини олинишига ҳамда диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ибодат СОАТОВА.

Истиқболли ёшлар

МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИДА
ЁШ ШИФОКОРЛАР ИШТИРОКИ

Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси нафақат Андижон вилояти аҳолиси, балки Фарғона водийси халқи учун юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Клиникамизнинг ҳар бир бўлими ўзига хос тарихга эга.

Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси қошидаги юрак қон-томир жарроҳлик бўлими 2001 йили ташкил этилган. Бунинг учун реанимация бўлимининг зали қайта таъмирланиб, кардиореанимацияга мослаштирилган.


Операцион блокни 1-жарроҳлик хонаси таъмирланиб, юрак операцияларини ўтказиш учун барча шарт шaroитлар яратилди. ВД-89 сунъий қон айланиш аппарати, "СКА" ва газонализатор АВЛ-77 ўрнатилиб, очик юракда операциялар бажариш бошланди. Мутахассисларни тайёрлаш учун 2 нафар кардиохирург, 1 нафар перфузиолог, 3 нафар кардиоанестезиолог ва 1 нафар функционал диагностика бўйича ЭхоКГ му-

тахассиси маҳаллий ва халқаро клиникаларда малака ошириб қайтишган. 2015 йил 3 нафар мутахассис, улардан бири эндоваскуляр хирургия бўйича академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ва икки нафар ходим Москва шаҳридаги А. Бакулев номидаги юрак қон-томир жарроҳлиги илмий марказида кардиохирург мутахассислигига эга бўлди. 2019 йили бир нафар шифокор Жанубий Корея Гуанжу шаҳри Чаннон тиббиёт академияси кардиохирургия бўлимида малакасини оширди. 2002 йилдан ҳозирги кунга қадар кардиохирургия бўлимида мунтазам равишда ортирилган ва юрак туғма нуқсонли беморлар жарроҳлик йўли

билан даволаниб келмоқда. Ҳозирги кунга қадар 3000 тадан ортиқ беморларда ҳар хил юрак жарроҳлик амалиёти ўтказилди. 2020 йилни ўзида бўлимда 128та беморда юрак операциялари ўтказилган бўлиб, улар ёш болаларда юрак туғма нуқсонли (қоринчалараро девор дефекти, бўлмачалар аро девор дефекти,



Фалло тетрадаси) билан, шунингдек бўлимда митрал ва аортал клапанлар протезлаш ва бир беморда Аорта коронар шунтлар операцияси илк бор ўтказилди. 2021 йили Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида "Ангиограф" апаратини ўрнатилиши, операция ва реанимация бўлимларини моддий-техника базасини такомиллаштириш билан юрак қон-томир жарроҳлик бўлимида қуйидаги амалиётларни бажариш имконияти пайдо бўлади: бажарилиб келаётган операцияларга



рокардиостимулятор ўрнатиш, периферик қон томирлар ангиопластикаси ва стентлаш, миядаги қон-томирларда операциялар ўтказишдир. Мазкур имкониятлар пайдо бўлиб юрак қон-томир жарроҳлик бўлимида йилга 1000 дан ортиқ юрак нуқсонлари билан касалланган беморларга малакали жарроҳлик амалиётлари бажарилади.

2021 йил "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш" йили биз шифокорлар зиммасига янада масъулиятли вазибаларни юклайди. Ишонаманки, институтимиз ва клиникамиз шифокорлари 2021 йилда ҳам халқ саломатлигини асраш ва мустақкамлаш борасида самарали ишларни олиб борадилар.

Баҳодир РАҲМОНОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бош шифокори.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 867 нусха.
Буюртма Г-140.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Намоз ТОЛИПОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.